

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

САЁХАТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Дилшада Даулетбаева,
ҚҚДУ докторанти
@ddilshoda@list.ru
+998913049002

***Аннотация.** Мазкур мақолада саёҳат журналистикаси тушунчасига турли давлат олимлари томонидан берилган таърифлар кўриб чиқилади. Ундан ташқари оммавий ахборот воситаларининг бир тури сифатида саёҳат журналистикасининг вазифалари ҳам таҳлил этилади.*

***Калим сўзлар:** “travel journalism”, “трэвел журналистика”, саёҳат журналистикаси тушунчалари, саёҳат журналистикаси вазифалари.*

***Annotation.** This article examines the definitions of the concept of travel journal given by various state scientists. In addition, the tasks of travel journalism as a form of media are also analyzed.*

***Keywords:** “travel journalism”, concepts of travel journalism, tasks of travel journalism.*

Машҳур африкалик тадқиқотчи Девид Ливингстон: “саёҳат қилиш уни тасвирлашдан кўра осонроқ”, [1] деган эди. Ушбу фикрни оммавий ахборот воситаларининг бутун тенденцияси — саёҳат журналистикаси билан боғлаш мумкин. Омма онгида экзотик мамлакатларга саёҳат қиладиган ундан кейин ҳам ҳақ (қалам ҳақи) оладиган шахс сифатида шаклланган саёҳат журналистининг образи принципиал жиҳатдан тўғри эмас. Шу билан бирга, ушбу йўналиш назарияси жуда кам ривожланган ва асосий фикрлардан бошлаб, ўз тушунчасини талаб қилади.

Саёҳат журналистикаси нима? деган савол пайдо бўлиши табиий. “Саёҳат журналистикаси” тушунчасининг мавжуд таърифлари, гарчи улар одатда ушбу соҳанинг моҳиятини тўлиқ очиб бермаса ҳам, жуда ноаниқ ва уларни аниқлаштиришни талаб қилади.

Масалан, Википедия, қуйидаги таърифни таклиф қилади: “саёҳат журналистикаси” (инглиз тилидан олинган “travel journalism” – “саёҳат журналистикаси”) – бу география, тарих, маданият, туризм ва ҳоказо каби мавзуларни ёритувчи, контекстида саёҳат маълумотларини тақдим этишга қаратилган оммавий ахборот воситаларининг махсус йўналиши [2].

“Саёҳат журналистикаси” тушунчасининг талқинига риоя қилган ҳолда, Санкт-Петербург давлат университети журналистика факультети аспиранти И.В.Показанёва уни “софт журналистика” (кўнгилочар, бўш вақт журналистикаси)нинг махсус йўналиши сифатида тарих, география, маданият,

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

санъат, туризм, этика, фалсафа ва бошқа мавзуларга тўхталиб ўтади ва оммага саёҳат ҳақида маълумот беради, дея таърифлайди [3].

“Трэвел журналистика” атамаси рус сўз бойлигига мустаҳкам киришига улгурган тушунча. Бугунги кунда бу соҳа оммавий ахборот воситаларида ҳам фаол ривожланмоқда. Саёҳат журналистикаси синтетик хусусиятга эга, у нафақат саёҳат, балки туризм билан боғлиқ маълумотларни тавсифлайди ва таҳлил қилади, турли мавзу доирасида кўриб ҳам чиқади. Натижада оммавий аудиторияга тарих ва география, маданият, санъат ва бошқа мавзуларда маълумот беради. Шунини ҳам айтиш мумкинки, саёҳат журналистикаси маълум даражада дунёни билиш, сайёрамизнинг турли минтақалари, географик жойлашуви, давлат тузилиши, урф-одатлари, анъаналари, тили билан танишиш имконини берадиган минтақавий тадқиқотларнинг бир туридир [4].

Бугунги кунда инсонларнинг саёҳат қилишга бўлган қизиқишининг юқорилиги журналистиканинг мазкур тури тараққий этишига имкон бериб, маълум вазифаларни ҳам юклайди. А.С.Смолярова миллий ва этник масалаларга қаратилган оммавий ахборот воситаларини этномаданий оммавий ахборот воситалари, деб белгилайди [5]. У (М. Жонсон иши асосида) мазкур ОАВ функцияларининг қуйидаги гуруҳларини аниқлади:

- интеграция (тил, маданиятни қўллаб-қувватлаш, жамият нормаларини тарқатишни қабул қилувчи, социализация, бирлаштириш ва бошқалар);

- умумий маконни яратиш (умумий билимларни тарқатиш, ижтимоий нормаларни узатиш, бошқа маданий гуруҳлар ҳақида маълумотни тарқатиш ва бошқалар);

- жамиятнинг плюралистик табиатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш (маданий меросни, ўзига хосликни сақлаш, манфаатларни ҳимоя қилиш, гуруҳ нормаларини рағбатлантириш ҳамда сақлаш ва бошқалар).

Шундан келиб чиққан ҳолда, саёҳат журналистикаси учун қўлланиладиган функциялар:

- бу бошқа мамлакат ҳақида тегишли маълумотларни узатиш,

- аудиторияни қизиқтирадиган ва улар учун фойдали бўлган тавсиялар бериш,

- мезбон жамиятга муваффақиятли мослашиш билан боғлиқ амалий маслаҳатлар;

- тақдирот нуқтаи назаридан: маданий гуруҳ ҳақида маълумот бериш, мамлакатнинг ижобий имижини, социализация функцияси ва бошқалар [6].

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

Келинг, яна бир қанча тадқиқотларни кўриб чиқайлик. Л.Г. Викореванинг “Интернетдаги саёҳат ОАВ аудиториясининг ахборот салоҳияти” номли ишида саёҳат журналистикасининг асосий функциялари қаторига интеграция функциясини, шунингдек, таълим, реклама ва кўнгилочар вазибаларни ўз ичига олади, дея келтириб ўтади.

Дарҳақиқат, саёҳлик журналистикасининг асосий мақсадларидан бири маданий тушунмовчиликлар асосидаги можароларнинг олдини олиш учун аудиторияни тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришдан иборат. Бу Л.Г.Вихореванинг “журналлар аудиторияси ўқувчиларнинг улар учун янги ва номаълум нарсаларга қизиқишига мувофиқ тақсимланади”, [7] деган фикрида намоён бўлади.

Саёҳат журналистикаси томошабинларга “дунёни билиш” (ГЕО журналининг муқовасида “Номаълум дунё: Ер”, деб ёзилиши бежиз эмас), янги “бегона” маданиятларни кашф қилиш имкониятини беради. Саёҳат журналистлари ўзларидан олдин кашф этилган, аммо илгари номаълум бўлган дунёни “қайта кашф этишга” интилишлари билан қизиқарли. Таниш жойларга янгича қараш қизиқарлидир.

Саёҳат журналистикасининг функциялари бир томондан, классик журналистиканинг функциялари ва роллари билан бир хил эканлигини кўриш осон. Бошқа томондан, коммуникатив, маданиятни шакллантирувчи, рекреацион (кўнгилочар элементларни ўз ичига олган) ва айниқса реклама ва маълумотнома функциялари бу йўналишда энг аниқ намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Давид Ливингстон Путешествия и исследования в Южной Африке с 1840 по 1855 г. [Travelling and Doing Research in South Africa from 1840 until 1855] Moscow, Geografgiz Publ., 1955. 392 p.
2. Трэвел-журналистика. URL : <https://ru.wikipedia.org/wiki/Трэвел-журналистика>
3. И.В.Показаньева Проблемное поле трэвел-журналистики как явления современного медиапространства [Электронный ресурс] / И. В. Показаньева // Mediascope. — 2013. — № 3. — Режим доступа: <http://www.mediascope.ru/node/1385>
4. В.Д.Галечко-Лопатина Трэвел-журналистика: роль и функции «Вестник Приамурского государственного университета им. Шолом-Алейхема» № 2(35)2019 ст 35

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

5. А.С.Смолярова Функциональное своеобразие этнокультурных медиа (The functional identity of ethno-cultural media) Available at: <http://www.mediascope.ru/node/1568>
6. В.Д.Галечко-Лопатина Трэвел-журналистика: роль и функции «Вестник Приамурского государственного университета им. Шолом-Алейхема» № 2(35) 2019 ст 39
7. Л. Г. Вихорева Информационный потенциал аудитории трэвел-СМИ в Интернете [Электронный ресурс]. URL: <http://jq.isea.ru/reader/article.aspx?id=20426>